

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**НУРМАТОВ АБДУЖАББОР НЕЪМАТЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИНГ ТАРИХИЙ  
ТАҲЛИЛИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА, 1985–2020 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 94(575.12),,1985-2020:36(043.3)

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

**Нурматов Абдужаббор Неъматжонович**

Ўзбекистон аҳолиси моддий таъминотининг тарихий таҳлили (Фарғона водийси мисолида, 1985–2020 йй.).....

**Нурматов Абдужаббор Неъматжонович**

Исторический анализ материального обеспечения населения Узбекистана (на примере Ферганской долины, 1985–2020 гг.).....

**Nurmatov Abdujabbor Ne'matjonovich**

Historical analysis of material gurantee the population of Uzbekistan (In example Fergana volley 1985–2020).....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications.....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

**НУРМАТОВ АБДУЖАББОР НЕЪМАТЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ МОДДИЙ ТАЪМИНОТИНИНГ ТАРИХИЙ  
ТАҲЛИЛИ (ФАРҒОНА ВОДИЙСИ МИСОЛИДА, 1985–2020 йй.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Таг324 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Маврулов Абдухалил Абдулхаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Етакчи ташкилот:**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 02/30.12.2019. Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_ кун соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй, ЎЗР ФА Тарих институти, 8-қават, Мажлис залли). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: [info@uzhistory.uz](mailto:info@uzhistory.uz). Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Азамат Зиё**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

**М. Х. Пайзиева**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н.

**Н. А. Аллаева**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги ривожланган давлатларда аҳолининг моддий таъминотини яхшилаш, ижтимоий муҳофаза қилишнинг ўзига хос тизимлари жорий этилган. Ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий тараққиёти давомида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган изчил ислоҳотларни амалга ошириб боради. Инсонлар учун муносиб турмуш шароитларини яратиш бериш мамлакат тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, халқнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини барқарор таъминлаб бориш бугунги Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дунёнинг нуфузли ташкилотлари ва илмий муассасалари томонидан аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан аҳоли моддий таъминотини яхшилашга хизмат қилувчи тажрибаларни минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда татбиқ этиш ва эришилган натижалар юзасидан хулосалар чиқариш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш, ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда мамлакат Президенти томонидан қабул қилинган фармон ва қарорларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, одамлар моддий турмуш тарзини яхшилаш, шунингдек, 2018 йилги Давлат дастурида аҳолини муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича “истеъмол саватчаси”га оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш каби устувор вазифаларнинг белгиланиши ҳам бу борада амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарилишини талаб этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, аҳоли моддий таъминотининг ҳолати, муаммолари ва ривожланиш даражасини Ўзбекистон ва унинг ҳудудлари миқёсида ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, бу борада олиб борилаётган ишларни аҳоли зичлиги юқори ҳисобланган ҳамда аҳоли моддий таъминоти масаласида кўшимча омилларни талаб этувчи Фарғона водийси вилоятлари мисолида тадқиқ этиш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4700-сонли “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-

қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аҳоли моддий таъминоти тарихи нафақат Фарғона водийси вилоятлари, балки республика миқёсида ҳам XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярми ва мустақиллик йилларида алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Лекин бир қатор тарихчи, иқтисодчи олимлар томонидан ушбу даврлардаги ижтимоий, иқтисодий масалаларни ёритишда истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли турмуш даражаси қисман ёритиб берилган. Олиб борилган тадқиқот ишлари ҳамда тегишли архив ҳужжатлари, адабиётлар, статистик маълумотлар таҳлили асосида уларни уч гуруҳга: совет даври йилларида чоп этилган адабиётлар, мустақиллик йилларида яратилган адабиётлар ва хорижий нашрларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга киритилган ва совет даврида чоп этилган адабиётларда<sup>1</sup> ўрганилаётган масалаларни ёритишда мавжуд муаммоларга ҳолисона ва танқидий ёндашилмаган. Таъкидлаш жоизки, қайта қуриш йилларида ошкораликка маълум даражада йўл очиб берилиши натижасида XX аср 80-йилларининг сўнгги даврларига келиб Ўзбекистондаги реал ҳолатлар, хусусан, аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий-иқтисодий, экологик, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги мавжуд муаммоларни объектив ёритишга бағишланган қатор илмий мақолалар<sup>2</sup> чоп этилди. Ушбу мақолаларда, асосан, пахта яккаҳоқимлиги ва унинг салбий оқибатлари ёки Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишидаги хатоликлар билан боғлаган ҳолда жараёнларни таърифлаб бериш билан чекланилган, холос. Биринчи гуруҳга киритилган адабиётлар XX аср 80-йилларидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни

---

<sup>1</sup>Чусупов К. Озиқ-овқат программаси амалда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – 39 б.; Зиёдуллаев С. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари. – Тошкент: Фан, 1987. – 64 б.; Зиядуллаев С. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Ташкент: Фан, 1988. – 71 б.; Юсупов Э., Туленов Ж., Гофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий суҳбатлар. – Тошкент: Фан, 1990. – 141 б.; Алиакберова Н., Гольдфарб Б., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). – Ташкент: Фан, 1990. – 99 с.; Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991. – 48 б.

<sup>2</sup> Осминин В. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг яқун ҳамда проблемалари // Ўзбекистон коммунисти. – 1988. – №11. – Б. 19–27.; Муҳаммаджонов М. Исрофгарчиликка боғлиқ нуқсонлар // Ўзбекистон коммунисти. – 1989. – №10. – Б. 25–26.; Худойбердиева Х. Икки қўлда ҳам малхам тутиб // Саодат. – 1990. – №7. – Б. 12–13.; Тўхлиев Н. Иқтисодий интенсиив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик // Ўзбекистон коммунисти. – 1990. – №6. – Б. 10–15.; Реука Г. Аввалги иқтисодий ислохотлар тажрибасидан // Ўзбекистон коммунисти. – 1990. – №6. – Б. 16–21.

Ўрганишда муҳим аҳамият касб этса-да, уларда Фарғона водийси аҳолиси моддий таъминоти етарли даражада очиб берилмаган, дейиш мумкин.

Иккинчи гуруҳ, яъни мустақиллик йилларида нашр этилган илмий ишларда, хусусан, Х. Раупов, А. Абдуллаев, Д. Бобожонова, Х. Юнусова, Ш. Рахматуллаев, З. Хайдаров, О. Бозоров, Н. Тўрабаева, Р. Джумановаларнинг илмий тадқиқот ишларида<sup>3</sup>, шунингдек, бир қатор илмий адабиёт<sup>4</sup> ва мақолаларда<sup>5</sup> мустақилликкача бўлган давр ҳамда мустақиллик йилларидаги Ўзбекистон ва унинг ҳудудларида иқтисодий, ижтимоий, демографик, экологик ҳолатлар ёритиб берилган. Хусусан, А. Абдуллаевнинг илмий тадқиқот ишида собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда олиб борилган пахта яккаҳоқимлиги сиёсатининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсири очиб берилган. О. Бозоровнинг тадқиқотида ХХ асрнинг 80-йилларида Фарғона водийсидаги пахта монополияси ва унинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг истеъмол даражасига салбий таъсири танқидий жиҳатдан ёритиб берилган. Ш. Рахматуллаевнинг илмий тадқиқот

---

<sup>3</sup> Раупов Х. Ўзбекистон енгил ва озиқ-овқат саноатининг аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш тарихидан (1945–1965 йиллар): Тарих фан. ном. ... дис. – Бухоро, 1997. – 183 б.; Абдуллаев А. Ўзбекистонда пахта яккаҳоқимлиги ва унинг оқибатлари (1917–1991 йиллар): Тарих фан. док. ... дис. – Тошкент, 2010. – 309 б.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари (70–80-йилларнинг ўрталари): Тарих фан. док. ... дис. – Тошкент, 1997. – 294 б.; Юнусова Х. ХХ асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва маънавий ҳаёт: Тарих фан. док. ... дис. – Тошкент, 2009. – 300 б.; Бозоров О. ХХ асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар тарихи (Фарғона фожиаси мисолида): Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дис. – Тошкент, 2019. – 170 б.; Рахматуллаев Ш. Мустақиллик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991–1996): Тарих фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2007. – 200 б.; Хаджамуратова М. Фарғона водийсининг демографик тарихи (1991–2006): Тарих фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2011. – 180 б.; Хайдаров З. Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: киёсий таҳлил: Тарих фан. ном. ... дис. – Наманган, 2007. – 178 б.; Джуманова Р. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари: Иқтисод фан. ном. ... дис. – Тошкент, 2008. – 181 б.

<sup>4</sup> Зиядуллаев С. Прогнозирование экономического развития Узбекистана в условиях перехода к рыночной экономике. – Ташкент: Ўзбекистон, 1993. – 86 с.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70–80-йиллар мисолида) – Тошкент: Шарқ, 1999. – 158 б.; Чориав А., Чориев С. Миллатлараро муносабатлар маданияти. – Қарши, 1993. – 98 б.; Тўхлиев Н. Ўзбекистон иқтисодиёти. Саволлар ва жавоблар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 172 б.; Бекметов Э. Халқлар ҳамкорлиги ва иқтисодий алоқалар. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – 112 б.; Тўхлиев Н. Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 239 б.; Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. – Наманган, 2000. – 292 б.; Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги). – Наманган, 1995. – 150 б.; Рахматуллаев Ш. Фарғона водийси шаҳарларида иқтисодий трансформация жараёнлари (1991–1996 йиллар). – Тошкент: Нишон носир, 2017. – 198 б.; Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 279 б.; Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 2013. – 590 б.; Тўхлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998. – 239 б.; Абдурахмонов Қ. Меҳнат иқтисодиёти. Назария ва амалиёт. – Тошкент: Фан, 2019. – 590 б.

<sup>5</sup> Қобулов В. Қайта қуриш даври фожеалари // Фан ва турмуш. – 1991. – №9. – Б. 10–12.; Зиёдуллаев С. Моддий неъматлар ишлаб чиқаришнинг аҳоли ва резервлари // Инсон ва сиёсат. – 1991. – №9. – Б. 33–39.; Тагаев Б. Ўзбекистонда рационал истеъмол нормаларини ишлаб чиқиш – аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишнинг муҳим омили // Иқтисод ва молия. – 2013. – №10. – Б. 30–37.; Ражабов Қ. Қайта қуриш ва унинг Ўзбекистонда янги сиёсий-мафқуравий вазиятнинг шаклланишига таъсири // Илмий хабарнома. АДУ. – 2014. – №2. – Б. 54–60.; Исаджанов А., Кенжабоева Р. Озиқ-овқат хавфсизлиги: замонавий тенденциялар ва миллий устуворликлар // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнал. – 2015. – №1. – Б. 1–13.; Эргашев Ш. Зиддиятлар даври: Шароф Рашидов ислохотлар ва турғунлик орасида // Ўзбекистон тарихи. – 2017. – №3. – Б. 45–50.; Джуманов Д., Сайиткулова П. Аҳоли турмуш даражаси таҳлили ва фаровонлигини ошириш масалалари // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнал. – 2018. – №3. – Б. 1–10.

ишида мустақилликнинг дастлабки беш йиллигида Фарғона водийси шаҳарлари аҳолисини истеъмол моллари билан таъминлаш ва иқтисодий соҳалардаги ўзгаришлар таҳлил қилинган. Р. Джуманованинг тадқиқотида аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари ҳамда унга таъсир кўрсатувчи омиллар, “истеъмол саватчаси” ва уни белгилашда эътибор қаратиш лозим бўлган хусусиятлар ёритиб берилган. Келтириб ўтилган тадқиқотларда ўрганилаётган мавзунинг республика ва Фарғона водийси вилоятлари миқёсида аҳоли моддий таъминоти масалаларига айрим тадқиқотчилар томонидан ижтимоий-иқтисодий, демографик жараёнларни ёритишда маълум даражада эътибор қаратиб ўтилган бўлса-да, уларда ҳудудий ва даврий жиҳатдан аҳоли моддий таъминоти, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, аҳоли таъминотида муҳим аҳамиятга эга бўлган истеъмол саватчаси, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари Фарғона водийси мисолида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Учинчи гуруҳга халқаро ташкилотлар: БМТ, Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО), Жаҳон банки ҳамда бир қатор муаллифлар томонидан Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик фаолияти ҳамда аҳолининг истеъмол даражаси, аҳоли жон бошига ЯИМ ишлаб чиқаришга доир ҳисоботлар, илмий мақола ва монографиялар чоп этилган<sup>6</sup>. Масалан, Мамука Церетели монографиясида Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар таҳлил қилиниб, аҳоли бандлиги, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришдаги мавжуд муаммолар ва бу борада 2017 йилдан амалга оширилган ислохотлар жараёнларига эътибор қаратган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси таҳлили шуни кўрсатадики, республика ва хорижда амалга оширилган тадқиқот ишлари ва адабиётларда аҳоли моддий таъминоти масалалари Фарғона водийси мисолида, 1985–2020 йиллар даврий чегараси алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎЗР ФА Тарих институти илмий тадқиқот ишлари режаларига мовофик ФА-А1-ГО16 ПЗ2019.09 “Ўзбекистоннинг энг янги тарихини фанлараро ўрганиш: методология, ёндашув, концепциялари” амалий (2015–2018 йй.) ҳамда ОТ-Ф1-133 “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи” (4 жилдлик) фундаментал илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

---

<sup>6</sup> Uzbekistan Living Standards Assessment Policies To Improve Living Standards (In Two Volumes) Volume II: Full Report. Document of the World Bank. 2003. – 139 p.; Peter C. Bloch. Agrarian Reform in Uzbekistan and other Central Asian Countries // Working paper. Land Tenure Center University of Wisconsin–Madison. USA. №49. May 2002; 2017 Положение дел в области продовольственной безопасности и питания в Европе и Центральной Азии. Продовольственная и сельскохозяйственная Организация Объединенных Наций. – Будапешт, 2018. – 76 с.; 2019 the state of. Food security and nutrition in the world. Food and Agriculture Organization of the United Nations. – Rome, 2019. – 214 p.; Mamuka Tsereteli. The Economic Modernization of Uzbekistan. Central Asia-Caucasus Institute Silk Road Studies Program. 2018. – 53 p.; Matthias Dornfeldt. Offenheit und Zusammenarbeit: ein neues Gesicht Usbekistans // Berliner Telegraph. Dezember. 2020.



**Тадқиқотнинг мақсади** 1985–2020 йилларда аҳолини озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат (кийим-кечак) маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда уларни ишлаб чиқариш жараёнлари тарихини Фарғона водийси мисолида ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

совет даврида олиб борилган марказлашган режали иқтисодий сиёсат ва унинг Фарғона водийси аҳолисининг моддий таъминотиغا салбий таъсирини таҳлил қилиш;

аҳоли моддий таъминотида Фарғона водийсидаги демографик ҳолат эътиборга олинмаганлиги ва бунинг оқибатида юзага келган ижтимоий муаммоларни ўрганиш;

XX асрнинг 80-йилларида озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари моддий-иқтисодий ҳолати ва ишлаб чиқариш жараёнларини тадқиқ этиш;

мустақилликнинг дастлабки йилларида Фарғона водийси аҳолисини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш ва унга салбий таъсир кўрсатган омилларни таҳлил этиш;

аҳоли даромадлари ва фаровонлигини ошириш ҳамда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини очиб бериш;

мустақиллик йилларида аграр ҳамда саноат (енгил ва озиқ-овқат саноати) соҳалари моддий-иқтисодий ҳолати ва ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда аҳолини ушбу соҳа маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини ёритиб бериш;

аҳоли моддий таъминотида муҳим аҳамиятга эга бўлган “истеъмол саватчаси” амалиётини кўриб чиқиш ҳамда уни ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланишининг инсонлар турмуш даражасини яхшилашдаги аҳамиятини татбиқ этиш;

тадқиқот натижалари асосида яқуний ҳулосалар чиқариш ҳамда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Фарғона водийси аҳолисининг 1985–2020 йиллардаги моддий таъминоти тарихи белгилаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** Фарғона водийси вилоятларида истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, аҳоли моддий таъминотида юз берган ўзгаришларни таҳлил этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда хронологик, қиёсий, статистик ва тизимли таҳлил, фанлараро ёндашув ва оғзаки тарих каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

XX аср 80-йиллари охирида юзага келган иқтисодий танглик ва аҳоли моддий таъминотидаги муаммоларни келтириб чиқарган омиллар йиллар давомида шаклланган ҳамда республика имконият ва манфаатларини инобатга олмасдан олиб борилган марказлашган “режали иқтисод” сиёсати оқибатида вужудга келганлиги асосланган;

совет даврида саноат қувватларини ошириш, асосан, экстенсив усуллар асосида амалга оширилганлиги, аҳоли эҳтиёжларини барқарор, сифатли ва

рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлашнинг 80–85 фоизи техника ва технологияларга, 15–20 фоизи ишчи кучига боғлиқлиги, совет даврида саноат корхоналарининг моддий-техник базасини таъминлаш етарли даражада амалга оширилмаганлиги натижасида водий аҳолиси моддий таъминоти кескин равишда пасайиб борганлиги асосланган;

мустақиллик йилларида аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш ҳолати, муаммолари ва бу борада амалга оширилган ишлар, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятининг ўрни ҳамда уни ривожлантиришнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятлари исботланган;

республика ва унинг ҳудудлари миқёсида яшаш минимуми ва истеъмол саватчасини ишлаб чиқиш ҳамда ҳуқуқий асослар билан мустақамланишининг аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишдаги аҳамияти илмий жиҳатдан исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Фарғона водийси аҳолисининг мустақиллик арафасида ҳамда мустақиллик йилларида моддий таъминотининг ҳолати, муаммолари ҳамда бу борада амалга оширилган ислоҳотлар ва аҳоли моддий таъминотидаги ўзгаришлар таҳлили ёритиб берилган. Аҳоли моддий таъминоти тарихини ўрганишда Ўзбекистон Миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивининг Андижон, Фарғона вилоятлари бўлимлари, Фарғона водийси вилоятлари давлат архивлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотлардан кенг фойдаланилган ҳамда улар илк бор илмий муомалага киритилган.

Аҳоли моддий таъминоти ва унга таъсир кўрсатган омиллар аниқланган ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда тарих фанида тан олинган метод ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, кўплаб архив ҳужжатлари, статистик маълумотлар, кенг турдаги адабиётлар, муаммога алоқадор тарихий ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқотларидан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти XX асрнинг 80-йиллари ҳамда мустақиллик йилларида республика ва Фарғона водийси вилоятлари аҳолисининг моддий таъминланганлик даражаси ва бу борада олиб борилган ислоҳотлар ҳақида кенг маълумот бериш, илмий ва назарий билимларни янада чуқурлаштириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда аҳоли моддий таъминоти тарихини илмий тадқиқ этиш асосида билдирилган амалий таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда аҳоли моддий таъминотини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот давомида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

XX аср 80-йилларида Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнлар ва уларнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири, республика аҳолисининг бир қатор ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича иттифок ўрта даражасидан ҳам ортга қолганлиги, “Қайта қуриш” сиёсатининг Ўзбекистон аҳолиси моддий таъминотига кўрсатган таъсири, пахта яккаҳоқимлиги ва унинг бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда аҳоли истеъмол даражасига салбий таъсири, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш даражаси пасайиб кетишига доир материаллардан “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Тарихий савол” кўрсатуvidан ўрин олган “Қайта қуриш” сиёсати ва Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фаолликнинг кучайиши” мавзусидаги кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 14 январдаги 02-40-115-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши кенг жамоатчилик орасида Фарғона водийси аҳолиси моддий таъминоти ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилган;

Фарғона водийси вилоятлари аҳолисининг моддий таъминоти, қишлоқ хўжалиги ҳамда енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, демографик ҳолати каби масалалар ёритилган фото суратлар, статистик ва архив материаллари асосида Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида “Фарғона водийси аҳолисининг моддий таъминоти (1985–2020 йиллар)” номли кўргазмали экспозиция ташкил этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 3 мартдаги 01-12-10-1137-сонли маълумотномаси). Мазкур экспозициянинг ташкил этилиши музей ҳужжатлар фондини Фарғона водийси аҳолиси моддий таъминоти ҳақидаги янги илмий маълумотлар билан бойитиш ҳамда кенг оммага тақдим этиш имконини берган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалик ерлари ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инвестицияларни жалб этиш, моддий-техник базасини такомиллаштириш, илм-фан ютуқларини кенг татбиқ этиш, ахборот, маслаҳат хизматлари тизимини янада ривожлантириш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш борасида берилган илмий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари Қўмитаси иш режасини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари Қўмитасининг 2020 йил 3 февралдаги 04/4-05-6-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш, сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (улардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 156 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси ва таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“XX аср 80-йилларида Ўзбекистон аҳолиси моддий таъминотининг ҳолати ва муаммолари”** деб номланган биринчи бобида совет даврида Ўзбекистонда олиб борилган сиёсат ва унинг аҳоли моддий таъминотига таъсири, қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда аҳолининг истеъмол даражаси, муаммолари ва унга таъсир кўрсатган омиллар Фарғона водийси мисолида таҳлил қилинган.

Собиқ Иттифоқ даврида олиб борилган марказлашган “режали иқтисодиёт” тизими мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини самарали ташкил этиш имконини бермади. Йиллар мобайнида иқтисодий тараққиётнинг объектив қонуниятларига зид равишда олиб борилган сиёсат ва бу борада йўл қўйилган хатоликлар кейинги йиллар давомида иқтисодий-ижтимоий, аграр, экологик соҳалардаги зиддиятларнинг тўпланиб қолишига олиб келди ва охир-оқибат мамлакатда инқироз ҳолатини келтириб чиқарди. 1980 йиллардан бошланган иқтисодий инқироз жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олди. Бу жараёнлар Иттифоқ таркибида бўлган Ўзбекистон учун ҳам салбий таъсир кўрсатиб, аҳоли моддий таъминоти, ишлаб чиқариш суръатлари пасайишига олиб келди. Бу, айниқса, демографик хусусиятлари мураккаб бўлган Фарғона водийсида умумреспубликага хос бўлган муҳим муаммоларнинг жиддий тус олгани билан ўз аксини топган эди.

Совет даврида олиб борилган сиёсатга асосан унинг таркибидаги республикалар “бир маҳсулотни, баъзан маҳсулотнинг бир турини, ҳатто маҳсулотнинг маълум бир қисмини ишлаб чиқаришга ихтисослашиши керак

эди”<sup>7</sup>. Шундан келиб чиққан ҳолда республикаларнинг бир қисми хом ашё етиштирувчи, бошқалари эса саноат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи ҳудудларга ихтисослаштирилди. Унга кўра, Ўзбекистон, жумладан, Фарғона водийси пахта етиштирувчи база сифатида шакллантирилди ва пахта майдонлари йилдан-йилга кўпайтириб борилди. Кичик ҳудудга эга бўлган Фарғона водийси республикада етиштирилган пахта хом ашёсининг 30 фоиздан ортиғи, пахта толасининг 27 фоизи, ипак матолари (шойи) нинг 90 фоиздан ортиғини етказиб берган<sup>8</sup>.

Фарғона водийси ижтимоий соҳасининг энг мураккаб элементи ҳисобланган демографик омилларга етарли эътибор қаратилмаганлиги аҳоли моддий таъминотига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, 1989 йил бошларида Фарғона водийсида республика умумий майдонининг 4,2 %ини ташкил этган ҳолда аҳолисининг 26,9 %и истиқомат қилган<sup>9</sup>. Минтақа иқтисодиётида асосан бир ёқлама ёндашув ва унинг ҳаддан зиёд ихтисослашуви хом ашё етиштирувчи ҳудудга айланиб қолишига олиб келди. Саноат тармоқларида асосан хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш даражасининг устун бўлиши, маҳаллий тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улушининг паст ҳолда ташкил этилишига олиб келди.

Фарғона водийси иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги йиллар мобайнида бошқа соҳаларга нисбатан устун мавқега эга бўлди. Бу эса нафақат аҳоли моддий таъминотида, балки аграр, экологик соҳалардаги муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Қишлоқ хўжалигининг асосан пахтачиликка ихтисослаштирилиши қишлоқ аҳолисининг моддий асоси бўлган томорқа ерларининг қисқаришига олиб келди. Водий аҳолисининг ўртача 65 фоизи қишлоқларда яшаган ҳамда уларнинг моддий фаровонлиги бевосита айнан қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ эди. Озуқа ва томорқа ер майдонларининг етарли эмаслиги аҳолининг чорва молларини боқиш, кўпайтириш<sup>10</sup>, аҳоли жон бошига гўшт, сут ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол даражаси бўйича Фарғона водийси вилоятлари нафақат Иттифоқ, балки республика ўрта кўрсаткичларидан ҳам паст ҳолга тушиб қолишига олиб келди<sup>11</sup>. Масалан, 1988 йилда Андижон вилояти аҳолиси жон бошига гўшт маҳсулотларини тиббий меъёрлар даражасидан 78 % кам истеъмол қилган<sup>12</sup>.

<sup>7</sup> Зиёдуллаев С. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 8.

<sup>8</sup> Алиакберова Н.М., Гольдфарб Б.Я., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). – Ташкент: Фан, 1990. – С. 3–4.

<sup>9</sup> Народное хозяйство Узбекской ССР в 1988 г. Статистический ежегодник. – Ташкент: Узбекистан, 1989. – С. 17–19.

<sup>10</sup> Қаранг: Абдуллаев А. Ўзбекистонда пахта яққаҳоқимлиги ва унинг оқибатлари (1917–1991 йиллар): Тарих фан. док. ... дис. – Тошкент, 2010. – Б. 207–208.; Коммунист. 1989 йил 28 июль; Наманган ҳақиқати. 1987 йил 4 август.

<sup>11</sup> Ўз МА. 2582-фонд, 1-рўйхат, 4811-йиғма жилд, 148-варақ; 4816-йиғма жилд, 28-варақ.

<sup>12</sup> Муаммолар кўп, аммо ҳал этиш мумкин // Коммунист. 1988 йил 6 ноябрь.

**XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярмида аҳоли жон бошига айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол даражаси** (аҳоли жон бошига йилига кг. ҳисобида)<sup>13</sup>

	Гўшт ва гўшт маҳс. кг.	Сут ва сут маҳс. кг.	Тухум (дона)	Сабзавот ва полиз маҳс.кг.
Йиллик норма	82	405	292	146
СССР бўйича	64	341	272	94
Ўзбекистон ССР бўйича	30,95	193,5	114,5	98
Андижон	17,45	140,1	82,5	88,8
Наманган	17,95	132,75	65	127,45
Фарғона	23,65	172,3	115,5	83,6

1980 йил ўрталаридан бошлаб озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш мақсадида пахта майдонлари қисқартирилиб, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экин майдонлари кенгайтириб борилди. Аммо бу ишлар аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун етарли бўлмади. Чунки, бу борадаги ишлар ҳудудларда етарли даражада олиб борилмади<sup>14</sup>. Қолаверса, қишлоқ хўжалик экин майдонлари улуши 15–20 фоиздан ошмаган ҳолда, ушбу соҳани ривожлантиришга иккинчи даражали тармоқ сифатида қаралиши ҳам бу борада олиб берилган ишлар учун етарли бўлмади.

Шунингдек, тадқиқотда маъмурий-бўйруқбозлик тизимига асосланган бошқарувнинг иқтисодий кўрсаткичларга эришишда, асосан, экстенсив йўлдан борганлиги, мавжуд ресурслардан самарасиз фойдаланиш, исроф қилиниши, хўжалик юритишда экстенсив усул ва қўл меҳнатининг устунлиги ҳосилдорлик даражасини паст бўлишига ҳамда сарф-харажатлар миқдорини кескин ортиб боришига сабаб бўлган муаммолар очиб берилган.

Етиштирилган пахта ҳосили учун паст нархлар тўланган ҳолда унинг катта қисми республикадан ташқарида қайта ишланди. Ундан келадиган даромад халқимиз учун эмас, балки собиқ марказнинг манфаатларига хизмат қилган. Бундай тенденция асосида шакллантирилган “режали иқтисод” сиёсати оқибатида Ўзбекистон иқтисодий имкониятларига қарамай, дотация ҳисобига яшовчи мамлакатга айлантириб қўйилди. Ўзбекистондан олиб чиқиб кетилган пахта, олтин, мўйна, қорақўл териси, пилла кабилардан ҳам бир неча млрд.га тенг даромадлар олинган. Масалан, Ўзбекистондан олиб кетилган бир йиллик пахта толасининг ўзидан 25 млрд. рубль даромад олиниб, республикага дотация сифатида 2,5 млрд. рубль берилган<sup>15</sup>. Ҳар йили Иттифокда ишлаб чиқарилган олтиннинг 50 %га яқини Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келган ҳолда республика бюджетига унинг қийматидан атиги 1 %и ўтказилар эди<sup>16</sup>.

<sup>13</sup> Қаранг: Зиядуллаев С.К. Прогнозирование экономического развития Узбекистана в условиях перехода к рыночной экономике. – Ташкент: Ўзбекистон, 1993. – С. 39.; Юсупов К. Озиқ-овқат программаси амалда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – Б. 7.; Бозоров О. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар тарихи (Фарғона фожияси мисолида): Тарих фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дис. – Тошкент, 2019. – Б. 26.

<sup>14</sup> Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирайлик // Коммунист. 1989 йил 4 май.

<sup>15</sup> Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. – Тошкент: Академия, 2003. – Б. 7.

<sup>16</sup> Эргашев Ш. Зиддиятлар даври: Шароф Рашидов ислохотлар ва турғунлик орасида // Ўзбекистон тарихи. 2017. – №3. – Б. 49.

Истеъмол маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқариш имкониятлари анча юқори бўлишига қарамай, уларнинг катта қисми республика ташқарисидан келтириш ҳисобига таъминлаб келинди. Лекин 1980 йил иккинчи ярмидан бошланган мамлакатдаги иқтисодий инқироз ҳолати четдан келтириладиган истеъмол моллари ҳажми қисқаришига ва аҳоли таъминотидаги қийинчиликларнинг янада кескинлашувига олиб келди.

Тадқиқ этилаётган даврдаги энг асосий муаммолардан бири – бу ишсизлик масаласи бўлиб, меҳнат ресурсларининг ўсиши аҳоли сони ўсишидан орқада қолди. Фарғона вилоятида иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 1986 йилдаги 38 минг кишидан 1990 йилга келиб 42,2 минг кишига етди<sup>17</sup>. Андижон вилоятида 200 мингга яқин (улардан 150 мингга яқини кўп болали аёллар, 50 минги ёшлар)<sup>18</sup>, Наманган вилоятида 200 мингга яқин киши, шу жумладан, 90% аёллар<sup>19</sup> ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган. Бу эса аҳоли орасида ишсизлар сони ва камбағаллик даражаси ортиб боришига олиб келди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида келтириб ўтилган омилларга республика аҳолисининг табиий ўсиш суръатлари юқорилиги ҳам таъсир кўрсатган. Бу, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётдаги бир қатор ҳал этилиши лозим бўлган ўткир муаммоларнинг ортиб боришига олиб келди. Аммо аҳолининг бундай ўсиши йиллар давомида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаётий таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамлаб борилмади. Аҳоли ўсишининг юқори суръатлари, ишсизлар ва меҳнатга лаёқатсиз аҳоли сонининг ортиб бориши, аҳолининг аксарият қисми қишлоқда яшаши, барқарор даромаднинг йўқлиги каби омиллар ҳудуд аҳолиси турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳолати ва муаммолари таҳлил этилган. XX асрнинг 80-йилларига келиб республикадаги мавжуд енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб туришига қарамай, аҳолининг ушбу соҳа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондира олмади. Бунинг асосий сабаблари, биринчидан, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш паст даражада ташкил этилганлиги, асосий эътибор хом ашёни дастлабки қайта ишлаш ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашганлиги; иккинчидан, саноат корхоналарининг моддий-техник базаси етарли даражада ривожлантириб борилмаганлиги; учинчидан, кўплаб саноат корхоналари хом ашё базаси республикалараро меҳнат тақсмоти тамойили натижасида 1980 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб кўплаб иттифоқдош республикалар ўз мажбуриятларини (хом ашё етказиб бериш бўйича) бажармаганлиги<sup>20</sup> ишлаб чиқариш ҳажмига салбий таъсир кўрсатган.

<sup>17</sup> Қаранг: Халқ фаровонлигини юксалтиришнинг оидин йўли // Коммуна. 1986 йил 12 ноябрь; Энг муҳим йўналиш // Коммуна. 1990 йил 24 ноябрь.

<sup>18</sup> Миллатлараро муносабатларнинг ўткир муносабатлари // Коммунист. 1989 йил 16 июнь.

<sup>19</sup> Халқ манфаати – бош мезон // Наманган ҳақиқати. 1989 йил 11 февраль.

<sup>20</sup> Ўз МА. 2582-фонд, 1-рўйхат, 4814-йиғма жилд, 115–116-варақлар

Фарғона водийси саноат жойлашуви бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлса-да, ҳудудда вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш имкони бўлмади. Чунки, ишлаб чиқариш, асосан, бир томонлама йўналтирилган бўлиб, асосий даромадни тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ҳудудлар олган. Саноат корхоналари идоравий жиҳатдан ҳудудга боғлиқ эмаслиги, уларнинг жойлашуви, хом ашё етиштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг марказдан туриб режалаштирилиши ва бошқарилиши республикаларнинг ўз ички муаммоларини ҳал қилишдаги имкониятларининг чекланишига олиб келган.

Совет даврида кўплаб енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналаридаги мавжуд ишлаб чиқариш техника ва технологиялари йиллар мобайнида янгиланмасдан фойдаланиб келинганлиги уларнинг жисмонан эскиришига, ишлаб чиқариш қувватларининг сезиларли даражада пасайиб кетишига ва бу ишлаб чиқаришнинг миқдор ва сифат жиҳатидан орқада қолишига олиб келди. Масалан, мустақиллик арафасида республикадаги 1500 та саноат корхонасидан 900 дан ортиғи техник жиҳатдан қайта қуриш ва реконструкция қилишни талаб этарди<sup>21</sup>.

Фарғона водийсидаги кўплаб корхоналар ишлаб чиқариш фаолияти таҳлил қилинганда улардаги ишлаб чиқариш фондларининг аксарияти эскириб, яроқсиз аҳволга келиб қолганлиги ҳамда улар 30–40 йиллар мобайнида самараси паст ҳолда, янгиланмасдан фойдаланиб келинганлиги, шунингдек, малакали кадрлар етишмаганлиги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг миқдор ва сифат жиҳатидан орқада қолишига олиб келганлиги аниқланган<sup>22</sup>. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатли, рақобатбардош бўлишининг 80–85 фоизи техника ва технологияга, 15–20 фоизи эса ишчи кучига боғлиқ<sup>23</sup> бўлган ҳолда, ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаш учун техника ва технологияларни ҳар 4–5 йилда янги, замонавий турлари билан такомиллаштириб боришни талаб этади. Аммо, ушбу даврда бу каби муҳим масалаларга етарли эътибор қаратилмади. Натижада, тобора ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини таъминлай олмасликка, кўплаб корхоналарда режа ортидан қувиш оқибатида сифатсиз, эскириб қолган моделлар ва турлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш кучайишига ва улар аксарият ҳолатларда сотилмай, омборларда тўпланиб қолишига ҳамда иқтисодий зарар ортиб боришига олиб келди.

Диссертациянинг “**Ўтиш даври йилларида Фарғона водийси аҳолиси моддий таъминоти масаласи**” деб номланган иккинчи бобида мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини истеъмол моллари билан таъминлаш ва бу борада амалга оширилган ишлар ҳамда аҳоли моддий таъминотини такомиллаштиришда тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантиришнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий асослари тадқиқ этилган.

<sup>21</sup> Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб / Масъул муҳаррирлар: Абдуллаев Р., Рахимов М., Ражабов Қ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 430.

<sup>22</sup> Ўз МА. 2582-фонд, 1-рўйхат, 4305-йиғма жилд, 73-варақ; 4814-йиғма жилд, 115–116-варақлар.

<sup>23</sup> Чориев А., Чориев С. Миллатлараро муносабатлар маданияти. – Қарши, 1993. – Б. 49.



Ушбу бобнинг биринчи параграфида мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш ҳолати, муаммолари ва унга салбий таъсир кўрсатган омиллар таҳлил қилинган. Дастлабки йилларда зарур турдаги истеъмол маҳсулотлари аҳолига меъёрлаштирилган тарзда давлат томонидан белгиланган норма асосида ҳар бир оила жон бошига қараб ягона карточка (оилавий ҳисоб варақалари) орқали сотилган<sup>24</sup>. Истеъмол маҳсулотларини белгиланган миқдор ва нархларда сотилишининг асосий мақсади аҳолининг барча қатламларини узлуксиз ва адолатли таъминлашни ташкил этиш, минимал нормалар даражасида бўлса ҳам таъминот устидан қатъий назорат ўрнатишдан иборат бўлди. Чунки, эндигина мустақилликка эришган Ўзбекистонда ўз халқи эҳтиёжини таъминлай оладиган даражадаги маҳаллий ишлаб чиқаришни етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги сабабли ҳам истеъмол маҳсулотларининг аксарият қисми импорт эвазига таъминланган ва бу давлат учун дастлабки йилларда иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқарган.

Шунингдек, миқдори доимо ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги бевосита пул тўловлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам даромадли оилаларни, кам қонли ҳомиладор аёлларни бепул озиқ-овқат, дори-дармонлар билан таъминлаш, мактаб ўқувчиларига (1-5-синфлар) бепул нонушта бериш каби имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги тўлов усуллари ҳам кенг қўлланилган. Бундай ижтимоий ислохотларнинг татбиқ этилиши республика миқёсида, айниқса демографик жиҳатдан алоҳида ёндашувлар касб этувчи Фарғона водийсидаги ижтимоий муаммолар мураккаблашувининг олдини олишда муҳим ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарияти импорт қилинишига қарамай, улар аҳолига импорт нархидан арзон нархларда ҳамда айрим турдаги маҳаллий ишлаб чиқарилган ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳам имтиёзли нархларда сотилган. Лекин, жойларда аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлашда бир қатор камчиликларга йўл қўйилди. Жумладан, савдо шаҳобчаларига маҳсулотларни ўз вақтида етказиб бермаслик ёки кам миқдорда таъминлаш, дўкон ходимлари томонидан маҳсулотларни кам бериш, нархларни асоссиз тарзда ошириш, маҳсулотларни чайқов бозорларига чиқариб юбориш, ажратилган маблағларни ўзлаштириб юбориш ҳамда истеъмол молларини кўшни республикаларга олиб чиқиб сотиш ҳолатларининг кучайишига олиб келган<sup>25</sup>. Бундай ҳолатлар дастлабки йилларда аҳоли таъминотидаги қийинчиликларни янада ортиб боришига ҳамда аҳоли истеъмол даражасига салбий таъсир кўрсатган. Масалан, Фарғона водийси аҳолиси 1993 йилда

---

<sup>24</sup> Наманган вилоят давлат архиви (кейинги ўринларда – НВДА). 688-фонд, 1-рўйхат, 859-йиғма жилд, 16-варақ.

<sup>25</sup> Қаранг: Ўз МА. М-37-фонд, 1-рўйхат, 349-йиғма жилд, 34-варақ; Ўз МА. М-44-фонд, 1-рўйхат, 2-йиғма жилд, 81-варақ; Ўз МА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 96-йиғма жилд, 549-варақ; НВДА. 688-фонд, 1-рўйхат, 856-йиғма жилд, 2-3-варақлар; Фарғона вилоят давлат архиви (кейинги ўринларда – ФВДА). 1220-фонд, 1-рўйхат, 60-йиғма жилд, 58-варақ.

гўшт маҳсулотларини республика ўрта кўрсаткичларидан 8 кг., сут маҳсулотларини 23 кг. кам истеъмол қилган<sup>26</sup>.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли моддий таъминотини такомиллаштиришдаги ўрни ҳамда уни ривожлантиришнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ёритилган. Иқтисодий соҳаларда олиб борилган ислоҳотлардан бири бу – ички бозорни сифатли истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, инсонлар даромадлари ҳамда фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этувчи тадбиркорлик субъектларини шакллантириш ва улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди.

Диссертацияда Фарғона водийси вилоятларида тадбиркорлик субъектларининг шаклланиш ва ривожланиш даражаси, аҳоли моддий таъминотини яхшилашдаги аҳамияти таҳлил этилган. Мустақиллик йилларида янги иқтисодий муносаблардан келиб чиққан ҳолда мулкчиликнинг турли шакллари кенг жорий этилиши инсонларда мулкка бўлган муносабатнинг ўзгаришига ҳамда улардаги манфаатдорлик ҳисси ортиб боришида, ички бозорни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳоли бандлиги каби масалаларни ижобий ҳал этишда тадбиркорлик субъектларининг ўрни ортиб борди. Жумладан, Наманган вилоятида 2000 йилда тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ ҳажмидаги улуши 33,4 %ни, аҳоли бандлигини таъминлашда 49,0 %ни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб мос равишда 79,2 %, 83,0 %га етди<sup>27</sup>.

Тадқиқотда тадбиркорлик субъектлари эришган ижобий натижалари билан бир қаторда, улар фаолиятига йиллар мобайнида салбий таъсир кўрсатиб келган омиллар, йўл қўйилган камчиликлар ва уларнинг тадбиркорлик ривожига таъсирлари Фарғона водийси вилоятлари мисолида таҳлил қилинган. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида юзага келган турли муаммолар натижасида қўллаб тадбиркорлик субъектлари амалда фаолиятларини тўхтатишларига сабаб бўлган. Масалан, Наманган вилоятида 1996 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес субъектларининг қарийб 25 %и, 2015 йилда эса 2 мингдан ортиғи<sup>28</sup>, Андижон вилоятида 2000 йилнинг 1 апрель ҳолатига 18,2 %и, 2005 йилнинг 1-ярим йиллик яқунларига кўра 30 %и амалда фаолият кўрсатмаган<sup>29</sup>. Бундай ҳолат, ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, аҳоли даромадлари ва бандлик каби масалаларга ҳам салбий таъсир кўрсатган.

2017 йилдан бошланган янги ислоҳотлар даврида тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

<sup>26</sup> Инсон ривожланиши тўғрисида ҳисобот. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 134.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг (кейинги ўринларда – ЎЗР ДСК) 2019 йил 15 ноябрдаги 01/2-02-17/2-350-сонли ва 2020 йил 12 февралдаги 01/2-02-17/2-44-сонли маълумотлари.

<sup>28</sup> Қаранг: Наманган ҳақиқати. 1997 йил 5 март; 2015 йил 27 ноябрь.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивининг Андижон вилоят бўлими (кейинги ўринларда – ЎЗР ПАА АБВ). 4141-фонд, 30-рўйхат, 171-йиғма жилд, 13-варақ.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг: “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”. Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади”<sup>30</sup>, – дея таъкидлаганлигининг ўзи ҳам тадбиркорликни ривожлантириш Янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралишини аниқлатади.

Аҳоли моддий таъминотини яхшилаш, ҳудудларда ҳар бир оиланинг барқарор даромад манбаига эга бўлиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисидаги Қарори<sup>31</sup> муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу дастурда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида водий вилоятларининг кўплаб ҳудудларида ҳунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қорамолчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, турли маиший хизматлар кўрсатиш каби тармоқлар билан шуғулланувчи оилавий тадбиркорлик фаолиятлари йўлга қўйилди. Масалан, 2019 йилда Фарғона вилоятида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурига асосан 32 минг 139 та лойиҳаларга 583,7 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб<sup>32</sup>, кўплаб ишсиз оилалар бандлиги ҳамда даромадлари ошиши таъминланди.

Олиб борилган ишлар натижасида инсонларда иқтисодий манфаатдорлик, ишбилармонлик, изланувчанлик хусусиятларининг ортиб боришига, ички бозорни истеъмол маҳсулотлари билан тўлдириш ҳамда уларнинг миқдор, тур ва сифат жиҳатидан ўсиб боришига, импорт ўрнини босувчи кўплаб турдаги хом ашё манбалари ва тайёр маҳсулотлар маҳаллий ишлаб чиқариш ҳамда экспорт даражаси ошишига эришилди.

Диссертациянинг **“Фарғона водийсининг иқтисодий ривожланиш жараёнида аҳоли моддий таъминотидаги сифат ўзгаришлари таҳлили”** деб номланган учинчи бобида енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш суръатлари, аҳоли моддий таъминотини такомиллаштиришда истеъмол саватчасини шакллантириш ва унинг аҳоли турмуш даражасидаги ижобий аҳамияти, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, муаммолари ва уни баргараф этиш масалалари тадқиқ этилган.

<sup>30</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 15.

<sup>31</sup> <https://lex.uz/ru/docs/3772869>

<sup>32</sup> [http://uza.uz/oz/society/far-onada-oilaviy-tadbirkorlik-uchun-400-milliard-s-m-imtiye-17-01-2020?sphrase\\_id=11057128](http://uza.uz/oz/society/far-onada-oilaviy-tadbirkorlik-uchun-400-milliard-s-m-imtiye-17-01-2020?sphrase_id=11057128) (17.01.2020)

Бобнинг биринчи параграфиди мустақиллик йилларида Фарғона водийси вилоятларида энгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ушбу соҳа тармоқларини ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар, эришилган ютуқлар, ишлаб чиқариш суръатларига салбий таъсир кўрсатган омиллар таҳлил этилган. Бу йилларда аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш, аввало, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларини чуқур қайта ишлаш, уларни тайёр маҳсулот даражасига етказиш ҳамда замонавий технологияларга эга бўлган янги саноат корхоналарини барпо этишга эътибор қаратилди. Фарғона водийси вилоятларида ҳам дастлабки йиллардан бошлаб бу борадаги ўзгаришлар икки йўл: биринчиси, мавжуд корхоналарни қайта модернизациялаш ҳисобига, иккинчиси, янги корхоналар куриш йўли билан амалга оширилди. Аҳолини истеъмол моллари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш суръатларини ошириш мақсадида кўплаб корхоналар мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказилди, уларнинг моддий-техник базаси қайтадан янгиланди, кўплаб энгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида кўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилди.

Олиб борилган ишлар натижасида кўплаб турдаги истеъмол маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқаришнинг миқдор, тур жиҳатидан ортишига эришилди. Лекин, эришилган ютуқларга қарамай, соҳа тармоқлари ривожидида концептуал камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, саноат ривожидидаги асосий муаммолардан бири – бу улардаги моддий-техник базанинг замон талабларидан орқада қолиши, ишлаб чиқариш фондларини даврий равишда янгилаб бориш масаласига етарли эътибор қаратилмаганлиги ишлаб чиқариш қувватларининг пасайишига, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ва ундан тайёр рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси паст бўлишига олиб келди<sup>33</sup>. Жумладан, 2007 йилда Фарғона вилоятида етиштирилган узумнинг 3,5 %и, сабзавотнинг 14,8 %и, меванинг атиги 1 %и шу ернинг ўзида қайта ишланган, мавжуд 9 та мевасабзавот ва узумни қайта ишлаш корхонаси 40–50 % қувват билан ишлаган ҳолда, вилоятдаги хусусийлаштирилган 50 та корхонадан 24 таси тўла қувват билан ишламаган, 26 таси эса мутлақо фаолият юритмаган. Вилоятдаги “Алишер Навоий” номидаги текстиль кўшма корхонаси дастгоҳларининг 92 %и эскириб қолган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини давом эттириб келган<sup>34</sup>. Бу каби омиллар ички бозорларда маҳаллий тайёр маҳсулотлар улушини етарли даражада таъминлай олинмаслигига олиб келди.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улушининг пастлиги, замонавий технологиялар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш масалаларида етарли даражада иш олиб борилмаганлиги сабабли ҳам хом ашё манбаларининг катта қисмини хом ашё, ярим тайёр маҳсулот тарзида экспортга йўналтирилди. Бу, айниқса, энгил саноат тармоқларида устунрок

<sup>33</sup> ЎзР ПАА АВБ. 4141-фонд, 15-рўйхат, 39-йиғма жилд, 40-41-варақлар; ФВДА. 1220-фонд, 4-рўйхат, 16-йиғма жилд, 25-варақ.

<sup>34</sup> Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иҷтимоий барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 259–260, 266.

бўлди. Иқтисодий томондан олиб қараганда, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан кўра, хом ашёни етиштириш ва уни дастлабки қайта ишлаш жараёнларига катта куч ва маблағ сарфланади.

Фарғона водийсида енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш учун қулай имкониятлар мавжуд. Шунинг учун ҳам мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мақсадида 2017 йилдан соҳа тармоқларида туб ислохотлар амалга оширилиб, ишлаб чиқаришда янгича ёндашувлар асосида иш ташкил қилинди. Натижада, Фарғона водийси вилоятларида кўплаб турдаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий моддий-техник базага эга бўлган корхоналар фаолияти йўлга қўйилиши иқтисодий самарадорлик ҳамда кўшимча иш ўринлари кўпайишига олиб келди. Жумладан, Наманган вилоятида 1986 йилда саноат корхоналари 81 тани ташкил этган бўлса, 2020 йил бошларига келиб 1500 дан зиёд тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналари фаолияти йўлга қўйилди<sup>35</sup>.

Бобнинг иккинчи параграфида истеъмол саватчасини шакллантириш ва унинг аҳоли турмуш даражасини яхшилашдаги ўрни ёритилган. Маълумки, дунё мамлакатларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг ўзига хос концепциялари мавжуд. Жумладан, бир қатор давлатларда аҳолининг моддий таъминоти ҳукуқий асослар билан мустаҳкамланган “Яшаш минимуми” ва “Истеъмол саватчаси”га мутаносиб тарзда таъминлаб борилади.

Истеъмол саватчаси муайян вақт давомида (кун, ой, йил) инсон ҳаёти ва саломатлигини сақлаш учун зарур маҳсулотлар, товар ва хизматларнинг энг кам тўплами ҳисобланади. Бу борадаги минимал меъёрлар истеъмол саватчасининг қиймат баҳосини белгилаш учун асос бўлади. Кўп мамлакатларда (қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган давлатларда) унинг умумий қийматидан келиб чиққан ҳолда аҳолига ижтимоий нафақалар белгиланади. Унга кўра, инсонлар овқатланиш, кийиниш, коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаш, зарур дори-дармонлар (минимал даражасида) харид қила олиш имкониятига эга бўладилар<sup>36</sup>.

Истеъмол саватчаси таркиби 3 қисмдан, яъни озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда хизматлардан иборат бўлиб, ҳар бир давлат ўзининг иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда унинг миқдор ва таркибини белгилайди. Масалан, АҚШда – 300, Францияда – 250, Англияда – 350, Германияда – 475, Россияда эса 156 турдаги маҳсулот ва хизматлар инсонлар истеъмоли учун зарур деб топилган ва истеъмол саватчасидан жой олган<sup>37</sup>.

Истеъмол саватчаси аҳолининг 3 та асосий ижтимоий-демографик гуруҳи – меҳнатга лаёқатли аҳоли, пенсионерлар ва болалар учун ишлаб

<sup>35</sup> Қаранг: Наманган ҳақиқати. 1986 йил 16 декабрь; <http://namangan.uz/uz/yangiliklar-2/1864-xayrullo-bozorov-viloyatdagi-yengil-sanoat-korxonolari-vakillari-bilan-uchrashdi>

<sup>36</sup> Тўхлиев Н., Ҳақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 278.; Иқтисодиётга оид атамалар ва тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 17.

<sup>37</sup> “Истеъмол саватчаси” ва “яшаш минимуми” қачон жорий этилади? // Халқ сўзи. 2020 йил 15 февраль.

чиқилади. Аҳолининг турли қатламлари (ёши, жинси) яшаши учун зарур бўлган эҳтиёжларининг энг кам миқдорини белгилашда муайян даврдаги нормалари аниқланади. Истеъмол саватчасининг амалга жорий этилиши ҳамда ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланиши инсонлар учун муҳим ижтимоий аҳамиятга эгадир. Чунки, бу амалда белгилаб қўйилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МХТЭKM), пенсия ва турли ижтимоий нафақалар миқдорини реал ҳаётий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда белгиланишини таъминлайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида тегишли мутасадди идоралар томонидан яшаш учун зарур бўлган энг кам харажатлар саватининг меъёрлари бўйича вариантлари (1994 йил август ойидаги намуналари 147, 161 ва 242 сўмни ташкил этган ҳолда амалдаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори 100 сўм, пенсия 105 сўмни<sup>38</sup> ташкил этган) ишлаб чиқилган эди<sup>39</sup>. Аммо ушбу йиллардаги реал иқтисодий имкониятларнинг бунга етарли имкон бермаслиги сабабли амалда жорий этилмаган. Лекин, истеъмол саватчаси амалга жорий этилмаган бўлса-да, мураккаб иқтисодий шароитда ҳам кўплаб давлатлардан фарқли равишда мамлакат аҳолиси учун ижтимоий аҳамиятга эга чора-тадбирлар татбиқ этилди.

Кейинги йиллар давомида ҳам мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Аммо, шунга қарамай, аҳолининг реал даромадлари, пенсия, турли ижтимоий нафақалар миқдори истеъмол саватчасига мутаносиблиги таъминланмади. 2017 йилдан бошланган янги ислохотлар даврида бу борадаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда аҳоли ҳаёт шароитларини ошириш мақсадида давлат раҳбари томонидан алоҳида эътибор қаратилиб<sup>40</sup>, аҳолининг реал даромадлари, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар миқдори ҳудудлар кесимида “яшаш минимуми” ва “истеъмол саватчаси”га мутаносиблигини таъминлаш ва унинг механизмлари ҳамда ҳуқуқий асосларини 2020 йилнинг 1 октябригача ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди<sup>41</sup>.

Тадқиқотда амалда белгиланган МХТЭKM, пенсия ва турли ижтимоий нафақалар миқдори ва унинг истеъмол саватчасига мутаносиблиги Фарғона водийси мисолида таҳлил этилган. Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларга муносабат билдирилиб, уларни ҳал этишга оид ҳамда эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлар ёритилган.

Мамлакатимизда йиллар мобайнида камбағаллик даражаси очикланмаганлиги оқибатида, бу борадаги мавжуд муаммоларга етарли эътибор қаратилмаслиги ҳамда аҳоли моддий таъминотига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, 2004 йилда республика бўйича камбағаллик даражаси 26,1 %ни, 2010 йилда 17,7 %ни ташкил этган ҳолда, Андижон вилоятида мос

<sup>38</sup> <http://lex.uz/docs/196327>

<sup>39</sup> Ўз МА. М-15-фонд, 1-рўйхат, 411-йиғма жилд, 208-варақ.

<sup>40</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2017 йил 22 декабрь, 2020 йил 24 январь); 2018 йилги Давлат дастури; 2019 йил 21 ноябрдаги “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар” муҳокамасига бағишланган йиғилишда ушбу масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

<sup>41</sup> Истеъмол саватчасининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилади // Халқ сўзи. 2020 йил 4 июнь.

равишда 23,5 %, 16,3 %ни, Наманган вилоятида – 33,8, 23,1 %ни, Фарғона вилоятида – 16,0 %, 10,2 %ни ташкил этган<sup>42</sup>. 2020 йил бошларига келиб мамлакат бўйича камбағаллик аҳоли улушининг тахминан 12–15 фоизини ташкил этган<sup>43</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон тарихида биринчи марта ушбу масалага алоҳида тўхталиб, камбағалликни қисқартириш Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланиши ва бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ислохотлар жараёни бошланди.

Жумладан, Республика Президентининг 2020 йил 26 мартдаги Қарори<sup>44</sup> билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги мамлакатда камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим амалий чора-тадбирлардан бири бўлди. Шунингдек, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашнинг иқтисодий омилини ташкил этувчи иш ўринларини яратиш ва кенгайтириш орқали аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган давр мобайнида республикада аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу борада маълум даражадаги ижобий натижалар қайд этилди. Бунда жаҳоннинг ривожланган давлатлари даражасига чиқа олинмаган бўлсада, олиб борилган ислохотлар давомида камбағалликни қисқартириш, истеъмол маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқариш ва аҳоли жон бошига истеъмол қилиш ва бир қатор кўрсаткичларда ўсишга эришилди. Қолаверса, сўнгги йиллардаги янги ислохотлар даврида аҳоли моддий таъминотини яхшилашга қаратилган амалий чора-тадбирларнинг кенг тадбиқ этилиши аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилди. Масалан, Фарғона водийси аҳолиси жон бошига 2019 йилда 1985 йилга нисбатан гўшт маҳсулотлари истеъмол даражаси – 1.1, сут маҳсулотлари – 1.2, тухум – 1.4, қартошка – 3.4, сабзавот ва полиз маҳсулотлари – 0.6 баробарга кўпайди<sup>45</sup>.

Бобнинг учинчи параграфида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар, мавжуд муаммолар ва бу борада эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳатлар тадқиқ этилган. Инсоният тарихида озиқ-овқат муаммоси турли сабабларга кўра дунё миқёсида ўзининг долзарблигини йўқотмай келган ва келмоқда. Ер юзи аҳолиси сонининг муттасил равишда ортиб бориши, иқлим ўзгаришлари, сув танқислиги, табиий офатлар, урбанизация жараёнлари, экологик ва иқтисодий танглик

<sup>42</sup> ЎзР ДСҚнинг 2020 йил 12 февралдаги №01/2-02-17/2-44-сонли маълумоти.

<sup>43</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

<sup>44</sup> “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” <https://lex.uz/docs/4776766>

<sup>45</sup> ЎзР ДСҚнинг 2020 йил 16 сентябрдаги №01/3-01-19-793-сонли маълумоти.

каби омиллар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг йилдан-йилга қийинлашиб боришига олиб келмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги кенг тушунча бўлиб, унга аҳоли учун хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги ва уларни харид қилиш қобилиятларини ўзида мужассам этган кенг қамровли тушунча сифатида қаралади. БМТнинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти” (ФАО) томонидан қабул қилинган тушунчага кўра “барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий хоҳишларига кўра ҳамда фаол ва соғлом ҳаётини таъминлаш учун етарли меъёردа хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиши учун жисмонан, иқтисодий ва ижтимоий имкониятларга эгаллиги – озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди демакдир”<sup>46</sup>. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг тўртта кўрсаткичи мавжуд бўлиб, булар: барқарорлик, озиқ-овқат мавжудлиги, озиқ-овқатга эга бўла олиш ва фойдаланишдан иборат.

Дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш тобора долзарб масалалардан бирига айланиб бормоқда. Хусусан, 7 июни “Бутунжаҳон озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги куни”, ФАО томонидан 2014 йилни “Халқаро оилавий фермерлик йили”, 2015 йилни “Халқаро тупроқ йили”<sup>47</sup> деб эълон қилинганлигининг ўзи ҳам ушбу соҳа тармоқларида жиддий ислохотлар олиб боришни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

Тадқиқотда Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона водийсида бу борада ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар, камчиликлар ва эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим хусусиятлар таҳлил қилинган ҳолда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан Фарғона водийсида мураккаброқлиги кўрсатилган. Масалан, Ўзбекистонда ўртача жон бошига суғориладиган қишлоқ хўжалик ер майдонлари 1990 йилда 0,20 гектарни, 2010 йилда 0,15 гектарни ташкил этган бўлса, 2030 йилга бориб мавжуд ер майдонлари камаймаган тақдирда ҳам аҳоли сони кўпайиши ҳисобига 0,12 гектар ер майдони тўғри келиши кутилмоқда<sup>48</sup>. Бу, айниқса, аҳоли зич жойлашган Фарғона водийсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг қийинлашиб боришига олиб келади. Хусусан, Фарғона водийси 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра республика умумий аҳолисининг 28,5 %ини ташкил этган ҳолда, аҳоли зичлиги республика бўйича бир кв. км.га 75,5 киши, Андижон вилоятида бир кв. км.га 727,4 киши, Наманган вилоятида 377,8 киши, Фарғона вилоятида 555,0 киши тўғри келган<sup>49</sup>.

Бундай демографик хусусиятга эга бўлган минтақада мавжуд ресурслардан фойдаланишнинг янада самарали усул ва услубларини кенг қўллаш ҳамда ушбу соҳада изчил ислохотлар олиб бориш тақозо этилади.

---

<sup>46</sup> Исаджанов А., Кенжабоева Р. Озиқ-овқат хавфсизлиги: замонавий тенденциялар ва миллий устуворликлар // Иқтисодий ва инновацион технологиялар. 2015. – №1. – Б. 2.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архивининг Фарғона вилоят бўлими (кейинги ўринларда – ЎЗР ПАА ФВБ). 2048-фонд, 30-рўйхат, 38-йиғма жилд, 101-варақ; <http://www.fao.org/news/story/pt/item/357227/icode/>; <http://www.fao.org/soils-2015/news/news-detail/ru/c/286606/>; <https://undocs.org/ru/A/RES/73/250>

<sup>48</sup> ЎЗР ПАА ФВБ. 2048-фонд, 30-рўйхат, 38-йиғма жилд, 102-варақ.

<sup>49</sup> ЎЗР ДСҚ расмий сайти маълумотлари: <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>.



Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар тахлили шуни кўрсатдики, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар натижасида озиқ-овқат импортини қисқартиришга ҳамда маҳаллий ишлаб чиқариш даражасини оширишга эришилди. Лекин ўтган давр мобайнида эришилган ютуқлар билан бир қаторда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдалана олинмади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги моддий-техник базаси, соҳага бозор механизмлари, интенсив усулларнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, қишлоқ аҳолисининг моддий асосини ташкил этувчи деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш, уларга турли хизматлар кўрсатиш даражасининг пастлиги, йиллар давомида қишлоқ хўжалик ерларининг катта қисмида, асосан, пахта ва ғалла етиштириш устун мавқега эга бўлиб келганлиги нафақат чорвачилик, балки бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмига сезиларли таъсир кўрсатди. Шунингдек, аҳолининг барча ижтимоий қатламлари учун озиқ-овқатга эга бўла олиш имкониятлари етарли даражада таъминланмаганлиги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича олдинга қўйилган вазифаларни тўла-тўқис бажариш учун имкон бермади.

Янги ислохотлар даврида соҳа тармоқларига бозор механизмлари, ишлаб чиқаришда интенсив усулларни кенг жорий этилиши ва унинг қўллаб-қувватланиши соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган муҳим амалий қадамлардан бири бўлди. Фарғона водийсининг демографик омиллардан келиб чиққан ҳолда, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида Республика Президентининг 2019 йил 19 июлдаги Қарорига<sup>50</sup> асосан Фарғона водийси вилоятларида қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий тизимни чуқур ислох қилиш, ишлаб чиқаришни ошириш, қишлоқ тадбиркорлиги ва оилавий бизнесни ривожлантиришга имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу эса ҳудуддаги ишлаб чиқариш, аҳоли фаровонлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Масалан, Ўзбекистонда тўйиб овқатланмаслик даражасини 2005–2007 йилларда 12,4 %дан 2017–2019 йилларда 2,6 %га қисқартиришга эришилди<sup>51</sup>.

Аҳоли бандлиги ва ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида кооперативлар ташкил этилди. Жумладан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида 31 та кооператив ташкил этилиб, 1 минг 600 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланди<sup>52</sup>. Оилавий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши ҳудудларда кичик томорқалардан юқори ҳосил олишга ва даромадларнинг ошишига олиб келди. Масалан, Фарғона водийсининг қўллаб-қувватларида аксарият томорқаларда йилига 2–3 марта ҳосил олишга

<sup>50</sup> “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида” “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” <https://lex.uz/docs/4430287>.

<sup>51</sup> 2017 Положение дел в области продовольственной безопасности и питания в Европе и Центральной Азии. Продовольственная и сельскохозяйственная организация объединенных наций (ФАО). – Будапешт, 2018 – С. 7.; [http://www.fao.org/3/ca9692en/online/ca9692en.html#chapter-a1\\_1](http://www.fao.org/3/ca9692en/online/ca9692en.html#chapter-a1_1)

<sup>52</sup> <https://uza.uz/oz/politics/oz-ov-at-khavfsizligini-taminlash-tomor-achilikni-rivozhlan-08-04-2020> (08.04.2020)

ва битта оила 8–10 сотихли экин майдонидан ўртача 50–60 млн. сўмдан 100 млн. сўмгача даромад олишига эришилди<sup>53</sup>. Соҳа тармоқларида янгича ёндашувларнинг кенг жорий этилиши ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга хизмат қилди.

## ХУЛОСА

Ўрганилган мавзунинг илмий, амалий аҳамияти ва долзарблигидан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Совет даврида сунъий тарзда яратилган ҳамда мажбуран жорий этилган марказлашган режали иқтисодиёт тизими амалда иқтисодий барқарорликни таъминлай олмади. Аксинча, Иттифоқ ва унинг таркибида бўлган республикалар ҳаётида ижтимоий-иқтисодий тангликни келтириб чиқарди. Йиллар давомида ҳудудларнинг реал имконият ва манфаатлари эътиборга олинмаганлиги Ўзбекистон, жумладан, демографик омиллари мураккаб ҳисобланган Фарғона водийси аҳолиси моддий таъминотининг нафақат Иттифоқ, балки республика ўрта даражасидан ҳам паст кўрсаткичларга тушиб қолишига олиб келди.

2. Фарғона водийси қишлоқ хўжалиги ва саноати хом ашё ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги истеъмол маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқариш паст ҳолда ташкил этилишига ҳамда аҳоли эҳтиёжларини таъминлай олмаслигига сабаб бўлди. Минтақанинг демографик хусусиятларига эътибор қаратилмаганлиги оқибатида инсонлар орасида иқтисодий ночорлик, аҳоли ўсишининг юқори суръатлари ишсизлар сонининг ортиб боришига, аҳолининг аксарият қисми қишлоқда яшаши, барқарор даромаднинг йўқлиги каби омиллар ҳудуд аҳолиси турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди.

3. Совет даврида Ўзбекистон, жумладан, Фарғона водийси иқтисодиёти бир томонлама ривожлантирилганлигининг салбий оқибатлари мустақилликнинг дастлабки йилларида яққол кўзга ташланиб, аҳоли моддий таъминоти кескин даражада пасайиб кетишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам дастлабки йилларда мавжуд иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, зарур турдаги истеъмол маҳсулотлари аҳолига меъёрлаштирилган тарзда ва чакана нархларда етказиб берилди.

4. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида янгича иқтисодий муносабатлардан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорлик субъектларини шакллантириш ва қўллаб-қувватланиши ички бозорни истеъмол моллари билан таъминлаш, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишида, иқтисодиётнинг бир қатор тармоқларида тадбиркорлик субъектлари улушининг ортиб боришига сабаб бўлди. Лекин йиллар мобайнида соҳа фаолиятига таъсир кўрсатиб келган бир қатор салбий омиллар уларнинг жадал суръатлар билан ривожланишига имкон бермади.

5. 2017 йилдан бошланган янги ислохотлар даврида тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш Янги Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг

<sup>53</sup> <https://uza.uz/oz/politics/oz-i-ov-at-khavfsizligini-taminlash-tomor-achilikni-rivozhlan-08-04-2020> (08.04.2020)

стратегик вазифаси сифатида қаралиши ва улар фаолиятининг ҳар томонлама кўллаб-қувватланиши аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим амалий ишлардан бири бўлди. Хусусан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини аҳоли орасида кенг татбиқ этилиши натижасида водий вилоятларининг кўплаб ҳудудларида хунармандчилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қорамолчилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, турли маиший хизматлар кўрсатиш каби тармоқлар билан шуғулланувчи оилавий тадбиркорлик фаолиятлари йўлга қўйилиб, кўплаб ишсиз оилалар бандлиги ҳамда даромадлари ошиши таъминланди.

6. Аҳолини истеъмол маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш мақсадида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб мавжуд саноат корхоналарининг аксарияти мулкчиликнинг турли шаклларига ўтказилиб, технологик янгиланиш ишлари амалга оширилди. Кўплаб янги ва қўшма корхоналар барпо этилди.

7. 2017 йилдан маҳаллий тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорларни сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида саноат соҳасида янгича ёндашувлар асосида ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари кенгайишига ҳамда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг миқдор, тур ва сифат жиҳатидан ортишига эришилди.

8. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини яхшилаш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Аммо, ўтган давр мобайнида инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур даромадлар меъёрини кўрсатадиган “истеъмол саватчаси” ва унинг ҳуқуқий асослари қонунчиликда мустаҳкамланмади. Натижада, аҳолининг реал даромадлари, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, пенсия, турли ижтимоий нафақаларнинг амалда реал минимал эҳтиёжлар миқдоридан орқада қолишига олиб келди.

9. Янги Ўзбекистон шароитида камбағалликнинг очиқланиши ва уни қисқартириш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланиши ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини такомиллаштиришга қаратилган дастурларнинг кенг татбиқ этилиши аҳоли зичлиги юқори ҳисобланган Фарғона водийси аҳолиси моддий таъминотида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

10. Мустақиллик йилларида пахта экин майдонлари қисқартирилиб, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экин майдонлари кенгайтирилиши натижасида кўплаб турдаги импорт маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми ортишига олиб келди. Лекин 1991 – 2016 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги, соҳадаги камчиликлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатди.

11. Янги ислоҳотлар даврида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришда янгича ёндашувларнинг кенг жорий этилиши,

қишлоқ аҳолисининг моддий асосини ташкил этувчи деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг қўллаб-қувватланиши озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилди.

Тадқиқот иши натижалари бўйича чиқарилган хулосалар аҳоли моддий таъминотини янада такомиллаштириш борасида қуйидаги **таклиф ва тавсияларни** илгари суришга асос бўлди:

1. Халқаро амалиёт ва ривожланган давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда “истеъмол саватчаси” ва “тирикчилик учун зарур энг кам миқдор” қиймати, таркибини аниқлаш ҳамда бу бўйича аниқ механизмни ишлаб чиқиш ва уни ҳуқуқий асослар билан қонунчиликда мустаҳкамлаш. Ҳар бир вилоятда истеъмол саватчаси қиймати ва таркибини ишлаб чиқувчи ҳамда уни даврий равишда аҳолининг реал даромадлари билан мутаносиблигини таҳлил қилиб боровчи махсус марказлар ташкил этиш;

2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланган қишлоқ хўжалик моддий-техник базасини такомиллаштириш, соҳага интенсив усулларни кенг татбиқ этиш, аҳоли зич, ишсизлик юқори бўлган қишлоқларда кичик-кичик ер хўжаликларини (оилавий тадбиркорликни) кенгайтириш, қишлоқ хўжалигида давлат шерикчилиги ва қишлоқларда Агросаноатни ривожлантириш;

3. Чорвачилик ривожланишида муҳим омил ҳисобланган ем-хашак, экин майдонлари ҳажмини кенгайтириш, Фарғона водийсида Ветеринария институти филиалини очиш;

4. Ривожланган давлатлар билан қишлоқ хўжалик, саноат соҳаларида кадрлар тайёрлаш, тажриба алмашинуви борасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш ҳамда узвий тарзда олиб бориш;

5. Саноат тармоқларида маркетинг, дизайн соҳаларида малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш, маҳаллий ишлаб чиқариш имкониятлари даражасида аҳоли эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган истеъмол маҳсулотлари учун доимий тарзда импорт бўйича имтиёزلарни қўллаб бориш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ИСТОРИИ  
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**ИНСТИТУТ ИСТОРИИ**

**НУРМАТОВ АБДУЖАББОР НЕЪМАТЖОНОВИЧ**

**ИСТОРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ МАТЕРИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ  
НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ  
ДОЛИНЫ, 1985–2020 гг.)**

**07.00.01 – История Узбекистана**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по историческим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.3.PhD/Tar324.**

Диссертация выполнена в Институте истории Академии наук Республики Узбекистан

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.uzhistory.uz](http://www.uzhistory.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Маврулов Абдухалил Абдулхаевич**  
доктор исторических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Ведущая организация:.....**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc. 02/30.12.2019. Tar.56.01 по присуждению ученых степеней при Институте истории Академии наук Республики Узбекистан. (Адрес: 100060, город Ташкент, улица Шахрисабзская, 5. Институт Истории АН РУз. 8-этаж. Зал заседаний. Тел.: (99871) 233-54-70; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: [info@uzhistory.uz](mailto:info@uzhistory.uz). Институт истории АН РУз).

С диссертацией можно ознакомиться в Фундаментальной библиотеке Академии наук Республики Узбекистан (зарегистрирована за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100170, город Ташкент, улица Зиёлилар, 13). Тел.: (99871) 262-74-58; факс: (99871) 262-34-41.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года)

**Азамат Зиё**  
председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.и.н., профессор

**М. Х. Пайзиева**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению учёной степеней,  
к. и. н.

**Н. А. Аллаева**  
председатель Научного семинара  
при Научном совете  
по присуждению учёных степеней,  
д. и. н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В развитых странах мира внедрены своеобразные системы улучшения материального обеспечения населения, его социальной защиты. Каждое государство в течение своего экономического развития проводит последовательные реформы, направленные на улучшение уровня и качества жизни населения. Создание достойных условий жизни для людей считается одним из важных факторов, оказывающих положительное влияние на развитие страны. Исходя из этого, обеспечение стабильного уровня жизни и благосостояния народа считается одним из важных задач, проводимой в Новом Узбекистане социально-экономической политики.

Многими авторитетными организациями и научными учреждениями мира проводятся научные исследования, посвящённые повышению уровня и качества жизни населения, обеспечения продовольственной безопасности, сокращения бедности, эффективного использования имеющихся возможностей. С этой точки зрения применение опыта по улучшению материального обеспечения населения с учётом особенностей регионов и получение выводов на основе достигнутых результатов имеет актуальное значение.

В Узбекистане проводятся широкомасштабные реформы в отношении дальнейшего повышения уровня и качества жизни, усиления системы социальной защиты населения. Определение таких приоритетных задач, как совершенствование системы социальной защиты, улучшение материального образа жизни людей, обозначенных за последние годы в Указах, Постановлениях Президента страны, а также, приведение в правовой порядок отношений по “потребительской корзине” для определения доходов, необходимых для достойной жизни населения, которые отмечены в Государственной программе 2018 года, требуют поднятия на новый уровень проводимых в этом направлении работ. В связи с этим, важное значение приобретает изучение в пределах территории Узбекистана состояния, проблем и уровня развития материального обеспечения населения. В частности, проведение исследований по данному направлению на примере областей Ферганской долины, где плотность населения считается высокой и вопросы материального обеспечения населения требуют дополнительных факторов, считается одним из весьма актуальных задач.

Данная диссертация в определённой мере служит для выполнения задач, обозначенных в указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017–2021 годах» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г., «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы» за № УП-5853 от 23 октября 2019 года, постановлении «О дополнительных мерах по обеспечению продовольственной безопасности, рациональному использованию имеющихся ресурсов и государственной поддержке сельского хозяйства в период коронавирусной пандемии» за № ПП-4700 от 1

мая 2020 года, а также других задач, определённых в нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности темы.** История материального обеспечения населения не только в пределах областей Ферганской долины, но и всей республики не изучалась в качестве отдельного объекта научного исследования во второй половине 80-годов XX века и в годы независимости. Однако ряд учёных-историков, экономистов при освещении социальных, экономических вопросов того времени в определённой степени затрагивали проблемы производства потребительских товаров, уровня жизни населения. На основе проведённых исследовательских работ и анализа соответствующих архивных документов, литературы, статистических материалов их можно разделить на три группы: работы, опубликованные в советский период, исследования, созданные в годы независимости и зарубежные издания.

В работах, которые относятся к первой группе и опубликованы в советский период, при освещении изучаемых вопросов отсутствовал объективный и критический подход к существовавшим проблемам<sup>54</sup>. Следует отметить, что в результате объявления гласности в годы перестройки к концу 80-годов XX века были опубликованы ряд статей, посвящённых объективному освещению реального положения в Узбекистане, в частности, уровня жизни населения, проблем в социально-экономической сфере, сфере экологии и сельского хозяйства<sup>55</sup>. Эти статьи ограничивались всего лишь описанием, в основном, хлопковой монокультуры и его негативных последствий или процессов, связанных с ошибками в экономическом развитии Узбекистана. Несмотря на то, что публикации первой группы имеют важное значение в изучении социально-экономических процессов 80-годов XX века, в них не в достаточной мере раскрываются вопросы материального обеспечения жителей Ферганской долины.

---

<sup>54</sup> Юсупов К. Озиқ-овқат программаси амалда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984. – 39 б.; Зиёдуллаев С. Ўзбекистон экономикасининг регионал проблемалари. – Тошкент: Фан, 1987. – 64 б.; Зиядуллаев С. Экономика Узбекской ССР в условиях перестройки. – Ташкент: Фан, 1988. – 71 б.; Юсупов Э., Туленов Ж., Гофуров З. Миллий масала бўйича фалсафий сухбатлар. – Тошкент: Фан, 1990. – 141 б.; Алиакберова Н., Гольдфарб Б., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). – Ташкент: Фан, 1990. – 99 с.; Аминова Р. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 1991. – 48 б.

<sup>55</sup> Осминин В. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришининг яқун ҳамда проблемалари // Ўзбекистон коммунисти. – 1988. – №11. – Б. 19–27.; Мухаммаджонов М. Исрофгарчиликка боғлиқ нуқсонлар // Ўзбекистон коммунисти. – 1989. – №10. – Б. 25–26.; Худойбердиева Х. Икки қўлда ҳам малхам туғиб // Саодат. – 1990. – №7. – Б. 12–13.; Тўхлиев Н. Иқтисодий интенсив ривожлантириш йўлига ўтказишни жадаллаштирайлик // Ўзбекистон коммунисти. – 1990. – №6. – Б. 10–15.; Реука Г. Аввалги иқтисодий ислохотлар тажрибасидан // Ўзбекистон коммунисти. – 1990. – №6. – Б. 16–21.



